



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 14 февраль, № 30 (6988) Чоршанба

Сайтимишга ўтиш учун QR-коднинг телефонингизга орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ЎРИНБОСАРИ, СТРАТЕГИЯ ВА МОЛИЯ ВАЗИРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 13 февраль куни мамлакатимизда амалий ташриф билан бўлиб турган Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари, стратегия ва молия вазири, икки томонлама Ҳукуматлараро комиссия ҳамраиси Ким Донг Ённи қабул қилди.



Давлатимиз раҳбари меҳмонни самимий қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик барқарор суръатлар билан кенгайиб, анъанавий дўстона алоқалар ва стратегик шериклик муносабатлари изчил мустаҳкамлаб бораётганини чуқур мамнуният билан қайд этди.  
Корея Республикасига 2017 йил ноябрь ойида амалга оширилган тарихий ташриф ва унинг якунлари бўйича эришилган келишувлар Ўзбекистон — Жанубий Корея ўзаро манфаатли ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтаришга хизмат қилгани ва аниқ амалий мазмун билан бойитгани алоҳида таъкидланди.

Ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1,3 миллиард доллардан ошди. Тасдиқланган «йўл харитаси»га мувофиқ, бугунги кунда мамлакатимизда замонавий ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва инфратузилмани модернизация қилиш бўйича умумий қиймати 6 миллиард доллардан зиёд 60 дан ортиқ инвестиция лойиҳалари тайёрланмоқда ва амалга оширилмоқда.  
Ўзаро ҳамкорликнинг ўтган даврида Ўзбекистон иқтисодиётига Жанубий Кореядан жами 7 миллиард долларлик инвестициялар жалб қилинди, Корея Республикаси компаниялари иштирокида 500 дан ортиқ корхоналар ташкил этилди.  
Жанубий Кореянинг илғор тажрибаси, билим ва технологияларини мамлакатимиз иқтисодиётининг турли тармоқлари ва ижтимоий соҳасига жорий этишга қаратилган қўшма дастур ва тадбирлар фаол рўйбга чиқарилмоқда. Ушбу мамлакатнинг етакчи мутахассислари Ўзбекистон вазирилик, идора ва ташкилотларига маслаҳатчи сифатида жалб қилинган.  
Маданий-гуманитар, фан-таълим ва туризм соҳаларидаги алмашинувлар кенгаймоқда.  
Учрашувда савдо-иқтисодий, инвестиция, инновация, банк-молия ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтириш

истикболлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти Корея Республикаси раҳбарияти ва халқини Пхёнчхан шаҳрида қишки Олимпия ўйинлари бошлангани муносабати билан самимий табриклади, ушбу нуфузли халқаро спорт тадбирининг муваффақиятли ўтишига тилак билдирди.  
Ўз навбатида, Корея Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ҳукуматлараро комиссия ҳамраиси давлатимиз раҳбарига самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдириб, Президент Мун Чжэ Иннинг салом ва эзгу тилақларини етказди.  
Меҳмон Ўзбекистон раҳбарияти Корея Республикаси фуқаро-

Сарвар ўрмонлов, Ёлқин ШАМСИДИНОВ олган суратлар.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қайд этилсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 июлдаги «Солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштириш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг йиғилувчанлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талабларини амалга ошириш борасида кўрилатган чора-тадбирларга қарамадан, республика ва маҳаллий бюджетлар даромадларини оширишнинг кўшимча заҳираларини аниқлаш, солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, хориж мамлакатларининг солиқ қонунчилиги ва маъмуриятчилиги соҳасидаги синалган илғор ютуқларини имплементация қилиш ишлари коникарсизлигича қолмоқда.  
Бу республика солиқ органлари фаолиятини, жумладан, уларнинг солиқ тўловчилар ва давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, солиқ қарзларини ўз вақтида ва тўлиқ ундириш, солиқ назоратининг замонавий шакл ва усулларини жорий этиш бўйича фаолиятини янада такомиллаштириш зарурлигидан далолат беради.  
Солиқ маъмуриятчилиги ва солиққа тортишни замонавий усулларини, солиқларнинг тўлиқ йиғилувчанлиги ва бюджетга ўз вақтида тушиши устидан самарали назорат механизмларини жорий этиш орқали солиқ-бюджет сиёсатини янада такомиллаштириш, бюджет жараёни шаффофлиги даражасини ошириш мақсадида:

1. Куйидагилар:  
Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳрири лойиҳасини тайёрлаш бўйича Республика комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ;  
солиқ қонунчилиги ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳлар 2-3-иловаларга мувофиқ таркибда тузилсин.  
2. Республика комиссияси (А. Н. Арипов) тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда куйидагиларга:  
умумэтироф этилган халқаро норма ва стандартлар талаблари ҳамда бозор иқтисодиёти тамойилларига жавоб берадиган нормалар яратилиши;  
солиқ назоратининг хорижда кенг қўлланилаётган илғор ва синалган шакл ва усулларини жорий этишни ҳисобга олган, жумладан, халқаро эксперт ва маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда солиқ маъмуриятчилиги механизмларини қайта кўриб чиқиш;  
республика стратегик маффаатлари ҳамда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бугунги bosқичини ҳисобга олган ҳолда, солиқ соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий нормаларни миллий солиқ қонунчилигига имплементация қилиш, шунингдек, самарали давлат солиқ сиёсатини амалга ошириш;  
солиққа тортиш ва солиқ маъмуриятчилиги масалаларини тартибга солувчи меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан икки хил талқин қилиниши мумкин бўлган нормаларни чиқариб ташлаш мақсадида уларни инвентаризация қилиш;  
тўғридан-тўғри амал қилувчи нормаларни кўпайтирган ҳолда, солиқ қонунчилигини унификация қилиш;  
солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ҳамда солиқ тўловчилар ҳуқуқларининг ҳимоясини изчил таъминлаш;  
солиқлар йиғилувчанлиги даражасини ошириш, Давлат бюджети ва давлат мақсадили жамғармаларига солиқ ва йиғимларнинг тўлиқ ҳажмида тушишини таъминлаш, солиққа тортилишдан бўйин товлаш имкониятини истисно қилиш;

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон — Тожикистон: Дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатлари янада мустаҳкамланади

Ўзбекистон ва Тожикистонни умумий тарих, маданият, узвий маънавий қадриятлар риштаси боғлаб туради. Кўп асрлик яқин қўшничилик ва ўзаро ҳурмат анъаналари икки давлат ўртасидаги муносабатларда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилди.

### ТАШҚИ СИЁСАТ

Бугунги кунда ўзаро алоқаларда улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Буни етакчи халқаро экспертлар ҳам алоҳида таъкидлашаётир. 2017 йилнинг якунида Жаҳон банки томонидан эълон қилинган маърузада Тожикистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ижобий тенденция сифатида Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида алоқалар яхшиланаётгани эътироф этилган.  
2016 йилнинг сентябридан ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон раҳбари ўртасида тўрт марта учрашув, шунингдек, олий даражадаги бир қатор телефон мулоқотлари ўтказилди. Икки давлат раҳбарлари ўзаро муносабатларни қардош мамлакатлар халқлари манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, сифат жиҳатидан мутлақо янги bosқичга кўтариш учун бир-бирига ишлаганга тайёр эканликларини бир неча мартаба қайд этишди.  
Хусусан, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида нафақат эришилган натижалар, мамлакатимизни

(Давоми 2-бетда).

## Иқтисодий ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди

Пойтахтимизда иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича Ўзбекистон — Жанубий Корея биринчи қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг иқтисодий ҳамда молиявий тузилмалари раҳбарлари, хусусан, ташқи савдо, инвестиция, энергетика, автомобилсозлик, қурилиш, кимё, енгил саноат, тиббиёт, таълим, транспорт ва транспорт коммуникациялари, ахборот технологиялари ҳамда сайёҳлик соҳаларига маъсул вазирилик ва идоралари, компания ҳамда концернлари мутасаддилари, етакчи ишбилармонлар қатнашди.

### Қўшма йиғилиш

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Абдулла Арипов, Корея Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, стратегия ва молия вазири Ким Донг Ён ҳамда бошқалар мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик изчил мустаҳкамлашни бораётганини алоҳида таъкидладилар.  
Ўзбек ва корей халқларининг маданияти, урф-одатлари бир-бирига ўхшаш. Шунинг учун ҳам, қайси соҳа ёки тармоқни олмайлик, алоқаларимиз ўзаро тенглик ҳамда ишончга асосланган. Икки мамлакат раҳбарларининг олий даражадаги учрашув ва музокаралари доирасида эришилган истиқболли келишувлар кўп қиррали ўзаро муносабат-

### ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фракцияларининг йиғилишларида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга молик бир қатор қонун лойиҳалари ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи» атрофлича кўриб чиқилди.

## Инсон ҳуқуқларини таъминлаш фракциялар диққат марказида

Хусусан, Президентимиз томонидан қонунчилик ташаббуси асосида қиритилган «Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатларини қўлайтириш бўйича чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кизғин муҳокамааларга сабаб бўлди. Зеро, унда фуқаролар ҳуқуқ ҳамда эркинликларини жинойят процессида жиноий таъовуздан муҳофаза этишнинг ишончли кафолатларини таъминлаш, уларнинг шаъни ва қадр-қиммати камситилишига, қонуний манфаатлари чекланишига йўл қўймасликка қаратилган янги механизмлар жорий қилинмоқда. Айни чоғда процессуал қонунчилик нормаларини бузган ҳолда олинган кўрсатув, эксперт хулосаси, ашёвий далиллар ҳамда бошқа материаллардан далил сифатида фойдаланишга йўл қўйилмаслиги белгиланаётир.  
— Қонун лойиҳаси нормалари фракциямиз мақсад ва вазифаларига мос келади, — дейди УзЛидеП фракцияси аъзоси Иброҳим Хожиев. — Зеро, барчанинг қонун олдида тенглиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликлари, қонуний маффаатларини ҳимоялаш партияимизнинг устувор вазифаларидан ҳисобланади.  
(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон туризм соҳасида юксак марраларга интиломоқда

Юртимиз азалдан ўзга элларни мафтун этиб, ҳайратига сабаб бўлиб келган. Бу бежиз эмас, албатта. Дийримизда тўрт фаслнинг тугаллиги, гурвиқор тоғлару серҳосил боғларнинг кўзи қувнатувчи ажиб манзаралари, заминимизда етиштирилаётган нозу неъматларнинг болдек таъми, қолаверса, аждодларимиз заковати ила яратилган, жаҳон цивилизациясида гоят катта ўрин тутган бой илмий-маърифий мерос, барпо этилган меъморий обидалару осориатқалар, меҳмоннавоз халқимиз, қўйинги, бетакрор Ўзбекистон ҳар қандай хорижиқда доимо ҳавас уйғотган.

### ДЕПУТАТ ФИКРИ

Таъкидлаш жоиз, юртимизнинг шундай улкан туристик салоҳиятидан фойдаланиб, уни юқори даража олиб чиқиш мақсадида кейинги вақтларда изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Зеро, бу соҳани юксак тараққий эттириш мамлакатимизда янги иш ўринлари яратиш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, худудларни жадал ривожлантириш, валюта тушумларини кўпайтириш, аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини ошириш, қиссача айтганда, фаровонликка хизмат қилади. Шу боис ҳам 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида туризм тармоғини самарали равишда топтириш масалаларига алоҳида аҳамият қаратилган.  
(Давоми 2-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА


◀ (Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

хўжалик юритувчи субъектларнинг умумий солиқ юқини пайсатириш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва хизмат кўрсатиш соҳасида солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини кучайтириш, ресурслардан оқилона ва тежамли фойдаланишни таъминлаш, самарасиз солиқ ва йиғимларни бекор қилиш; кичик ва йirik бизнес субъектларининг солиқ юқини максимал даражада рағбатлантиришга хизмат қиладиган усулларни жорий этиш; хорик мамлакатларининг илгор тажрибасини ҳисобга олган ҳолда амалдаги солиққа тортиш тизимини танқидий ўрганиш асосида жисмоний шахслардан олинмаган даромад солиғини ҳисоблаб чиқиш механизмни соддалаштириш; «солиқ имтиёзи» ва «солиқ преференцияси» тушунчаларини аниқ чегаралаш, вақтинча имтиёз бериш муддатларини белгилаш, шунингдек, самарасиз ва эскирган солиқ имтиёзларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш;

тадбиркорларга бизнеснинг ўрта муддатли истиқболда ривожланишини асосли равишда прогноз қилиш имкониятига эга бўлишлари учун солиқ тизимининг барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратсин. 3. Республика комиссияси (А. Н. Арипов) ва ишчи гуруҳлар етакчи олим ва юқори малакали мутахассислар — экспертлар, тадбиркорлик тузилмалари ва жамоат ташкилотлари вакиллари жалб қилган ҳолда, жаҳоннинг илгор тажрибасини чуқур ўрганиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги «Молия, солиқ ва боғжона органлари фаолиятини танқидий ўрганилишини ташкил этиш тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ солиқ органлари фаолиятини танқидий ўрганиш натижалари асосида: биринчи босқичда — 2018 йил 1 апрель кунига қадар Ўзбекистон Республикаси солиқ-бюджет сиёсатини такомиллаштириш концепция лойиҳасини ишлаб чиқиш; иккинчи босқичда — 2018 йил 1 июль кунига қадар

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси янги таҳрири лойиҳасини ишлаб чиқишни таъминлаш. 4. Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузурдаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқишга халқаро эксперт ва маслаҳатчиларни жалб қилишда кўмаклашсин. 5. Мазкур фармойиш ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги директори Ш. М. Содиков зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2018 йил 13 февраль



Инсон ҳуқуқларини таъминлаш фракциялар диққат марказида

◀ (Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Шу боис жамият демократлашувининг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, барчанинг қонун олдида тенглигини таъминлаш, айниқса, суд-тергов фаолиятида фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли муҳофаза этишга қаратилган ушбу қонун лойиҳасини тўлиқ қўллаб-қувватлади. Тадбирларда Олий Мажлисининг 2017 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот тинглади ҳамда агароқчи кўриб чиқилди. Қайд этилганидек, ҳисобот даврида Омбудсманнинг ҳуқуқ ва ваколатлари янада кенгайтирилиб, унинг ҳудудлардаги фаолиятини янада самарали ташкил қилишга эътибор қаратилди. Натижада Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» да амалга ошириш бўйича Давлат дастури ижроси доирасида қатор ишлар бажарилиди. Айниқса, унинг аҳоли ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, ҳазони ўташ жойларида инсон ҳуқуқлари таъминлишини ҳамда Давлат дастури доирасида ижтимоий ҳимояга эҳтиёткорлик қатламлари қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти диққатга сазовор.

фермерликни ривожлантириш учун имтиёзли кредит ресурсларига кучли эҳтиёж сезаётганлигидан келиб чиқиб, консалтинг ва инжиниринг фирмалари, кредит лойиҳаларининг техник иқтисодий асосини тайёрловчи ташкилотлар ҳамда сугурталаш бизнесини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Йиғилишларда Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари томонидан киритилган «Журналистик фаолиятини химоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Бу қонун лойиҳаси қабул қилиниши давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органларининг очиқлигини таъминлаш ва кенг жамоатчилик қизиқишини ўз ичига олган долзарб масалаларни ёритишда профессионал журналистларнинг нуфузини оширишда муҳим аҳамият касб этади, — дейди Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Нўмон Акбаров — Айни чоғда профессионал журналистик фаолиятини амалга оширишда журналистларни қўшимча қўнунчилик билан таъминлаш, қўнунчилик даражасида уларни аккредитация қилиш жараёнининг ҳуқуқий механизмлари ҳамда асосий тартибларини белгилаш каби масалалар ҳам ҳал қилинади.

Ўзбекистон — Тожикистон: Дўстлик ва яқин қўшничилик муносабатлари янада мустаҳкамланади

◀ (Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Шуни қайд этиш керакки, олий даражадаги учрашувлар икки томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга жиддий туртки бериши. Аввало, ҳукуматлараро мажлислар жадаллашти. Ҳисобот даврида давлат чегараларини делимитация қилиш бўйича ҳукумат делегалари ишчи гуруҳларининг учта учрашуви ўтказилди. Узоқ вақт мобайнида биринчи марта шу йилнинг 10-11 январь кунлари Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари ҳамда давлатлараро чегараларни делимитация қилиш бўйича Ҳукуматлараро комиссия мажлисида иштирок этиш учун Душанбеда таширф буорди. Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан Тошкент ва Душанбе ўртасида доимий авиақатнов йўлга қўйилди. Ушбу тарихий воқеа қардош мамлакат фуқаролари томонидан қатта қувонч билан қутиб олинди. Одamlарга қулай бўлиши учун «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниялари нархини икки марта арзонлаштирди. Хабар беришларича, Душанбе ва Самарқанд, Бухоро ўртасида ҳам ҳаво қатновини йўлга қўйиш режалаштирилмоқда.

Учинчидан, савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил ва жадал суриятларда кенгайиб бораётти. 2017 йилда ўзаро савдо айланмаси 20 фоиз ўсиб, 237 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ишбилармон доиралар ўртасида тўридан-тўғри мулоқот ўрнатилди мақсадида Душанбе ва Тошкентда қўшма бизнес форумлари муваффақиятли ўтказилди. Икки мамлакат Савдо-саноат палаталари «Тожикистон — Ўзбекистон» ишбилармонлар кенгашини тузиш бўйича битимни имзолади.

Тўртинчидан, боғжона тартиб-таомиллари соддалаштирилди. Ўзбекистон ва Тожикистон боғжона хизматлари боғжона масалаларида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги баённомани имзолади. Унда товларлар, йўловчилар, транспорт воситаларининг ўтишини жадаллаштириш, ўз вақтида ахборот алмашиш чора-тадбирлари ўз аксини топди.

Ўзбекистон қардош Тожикистон билан шериклик муносабатларини изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича қатъий сиёсий ирода намойиш этмоқда. Шубҳасиз, икки давлат раҳбарларининг прагматик ва узоқни кўзлаб амалга ошираётган сиёсати тўғрисидаги муносабатлари муносабатлар янада самарали бўлади, икки халқнинг тарихан шакланган дўстлик ришталари асосида жадал ривожланади. Қоҳрамон АЛЛАБЕРГАНОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти бош илмий ходими.

Иқтисодий ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди

◀ (Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

500 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ йўналтириш кўзда тутилган. Йиғилишда Корея Республикасининг етакчи тиббиёт марказлари ва олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда хусусий тиббиёт муассасаларини ривожлантириш ва маҳаллий тиббиёт кадрлари малакасини ошириш марказини ташкил этиш, хусусан, ўзаро ҳамкорликда замонавий ва юқори хизмат кўрсатиш имкониятига эга кўп тармоқли болалар тиббиёт-соғломлаштириш марказини ташкил қилиш масалалари ҳам кўриб чиқилди. — Ўзбекистон нафақат савдо-иқтисодий, балки соғлиқни сақлаш йўналишида ҳам кўплаб утуқларни қўлга киритмоқда, — дейди Корея Республикаси

Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот вазирлигининг Халқаро соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Ли Мин Вон. — Бунга мамлакатингизга таширфимиз доирасида яна бир бор амин бўлдик. Бугунги йиғилишда тиббиёт соҳасида янги лойиҳалар ҳақида ўзбекистонлик мутахассислар билан фикр алмашидик. Ҳамкорликдаги истиқболли лойиҳалар ўз самарасини бериши, шубҳасиз. Корея Республикасининг илгор клиникалари ҳамда тиббиёт марказларининг диагностика, даволаш, сервис ва менежмент масалалари бўйича тиббий хизмат кўрсатишга оид тажрибасини ўрганиш ҳамда мамлакатимиз тиббиётига жорий этиш учун улар билан ҳамкорлик йўлга қўйилади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Халқнинг энг яқин кўмакчиси

Пойтахтимизда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан «Оммавий ахборот воситалари — халқнинг энг яқин кўмакчиси ва демократия кўзгуси» мавзусида конференция ташкил қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Журналистлар ижодий уюшмаси қўрағди ижодий кенгашлар аъзолари, ОАВ вакиллари, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар иштирок этди.

КОНФЕРЕНЦИЯ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси С. Ҳакимов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурдаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг раиси А. Саидов ҳамда бошқалар мамлакатимизда ОАВ фаолиятини либераллаштириш, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар жараёнида уларнинг кенг иштирокни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлиси тақдим этган Мурожаатнома-

битими имзоланиб, ўзаро яқин алоқалар ўрнатилди. Конференцияда матбуот ва ахборот соҳаси ривожлантиришга мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш чоралари, Фаол тадбиркорлик, инновацион-гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йилида ОАВ давлат турган вазифалар, Давлат дастури ижросини таъминлаш доирасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни теъор ва таҳлилий ёритиш масалалари ҳақида маърузалар қилинди, фикр алмашилди. Тадбирда Республика товар-хон ашё биржаси билан Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ўртасида ташкил топган «Дўстлар клуби»нинг «Дўст билан обод уйинг» веб-сайти тақдимоти ўтказилди. Журналистлар ижодий уюшмасининг 2017 йилдаги фаолияти яқунлари сарҳисоб қилиниб, жорий йилдаги режалар билан ўртоқлашилди.

Дилшод ҚАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон туризм соҳасида юксак марраларга интилмоқда

◀ (Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 3 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда 6 февралдаги «Кириш туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 7 февралдаги «Ички туризмни жадал ривожлантириш таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари юртимизда сайёҳлик йўналишини кескин ривожлантириш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш, хориклик меҳмонлар оқимини кўпайтириш, туристик, маданий, табиий ва спорт салоҳиятини бутун жаҳонга намойиш этиш, ўз наватбиди, ички туризм маданиятини шакллантиришда муҳим ташкилий-ҳуқуқий дастуриламал бўлади. Энг асосийси, мазкур ҳужжатлар билан юртимиз туризм салоҳиятини, биринчи навбатда, инвестиция-

ларни фаол жалб қилиш, соҳага инновацион гоя ҳамда технологияларни жорий этиш, шунингдек, бой табиий, маданий ва тарихий меросимизнинг мавжуд ресурслари ҳамда имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланиш ҳисобига юксалтириш учун янада қулай шароит яратилди. Эндиликда шу вақтга қадар ечимини топмади келаётган, туризм соҳаси тараққиётига жиддий соя солаётган масалалар, жумладан, хорикий фуқаролар учун виза ва паспорт режимини либераллаштириш ишлари силжимаётгани, уларга электрон кириш визаларини расмийлаштириш имконияти йўқлиги, ички ҳамда зиярат туризмлари салоҳиятидан сўст фойдаланилганлиги, инфратузилманинг етарлича ривожланмагани, соҳага ахборот-коммуникация технологиялари талаб даражасида татиқ этил-маётгани сингари бир қатор муаммоларга барҳам берилади. Фармон билан 7 та давлат фуқаролари учун республикамиз ҳудуди-га кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз режим белги-

лаш, 39 та давлат фуқаролари учун Ташқи ишлар вазирлигига туристик ваучерга оид талабни бекор қилиш, шунингдек, жорий йилнинг 1 июлидан эътиборан бир қатор хорикий мамлакатлар фуқаролари учун электрон кириш визалари бериш тизимини жорий этиш, туризм соҳаси билан боғлиқ бўлган объектларни, уларнинг атрофини ободонлаштириш ва бошқа туризм салоҳиятини ривожлантириш бўйича бир қатор вазифалар белгилаб қўйилди. «Ўзбекистон бўйлаб саёхат қил!» ички туризмни ривожлантириш дастури эса юрдушларимизнинг диққатга сазовор жойларни бориб кўриш, муқаддас қадимжолари зиёрат қилиш, юртимиз тарихи борасидаги билим ва тасавурларини бойитишда муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, туризм соҳасида фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари учун айрим солиқ мажбуриятларининг бекор қилиниши, имтиёзли кредитлар олиш, хорикий инвестицияларни жалб этиш ва бошқа масалаларда кенг имтиёз ва преференциялар берилгани ҳам диққатга сазовордир. Мазкур Фармон ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган юқорида номлари келтирилган ҳар икки қарорда белгиланган вазифаларнинг ҳаётга татиқ этилиши ҳам мамлакатимизда кириш туризмини миллий иқтисодий таъминнинг муҳим тармоқларидан бирига айлантириш, маданий-тарихий меросимиз ва табиий бойликларимизни кенг тарғиб қилиш, шунингдек, ички туризмни жадал ривожлантириш, фуқароларни, айниқса, ёшларни қадимий обидларимиз, муқаддас қадимжолари, халқимизнинг бетакрор маданияти ва аънавалари билан кенг таништиришда бекиёз ўрин тутди. Қайд этиш жоиз, туризм соҳасини ҳар томонлама тарққий топтириш масаласи Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг дастурий мақсад-вазифалари ҳамда Сайловолди платформасида алоҳида акс эттирилган. Шунинг учун Президентимизнинг мазкур муҳим ҳужжатлари ижросини таъминлашда партияимиз фаоллари ташаббускор бўладилар.

С. НОМЗОВ, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси.

Биз бу борада аввалги режа ва дастурларимизни қайта кўриб чиқиб, ўзимизга қатор муҳим вазифаларни белгилаб олдик. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолияти устидан олиб бораётган парламент ҳамда депутатлик назорати самардорлигини янада ошириб, аниқ натижаларга эришиш ҳаракатида бўламиз. Мададани мерос объектлари муҳофазаси ва туризмни ривожлантиришга оид масалаларни сессиялар муҳофазасига киритиш юзасидан маҳаллий Кенгашлардаги депутатлар гуруҳларимиз маъсулияти оширилди. Шунингдек, жорий йилда фракцияимиз томонидан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг соҳага оид қонун ҳужжатлари, Президентимизнинг Фармон ва қарорлари ижроси бўйича ахборотини эшитишни ҳам режалаштиришимиз. Бу борада ҳудудларда ҳам назорат-таҳлил ишларини олиб бориш, соҳада ўраётган муаммоларни бартараф этишга қаратилган сайёҳаракатлар кундалик фаолиятимиздаги асосий вазифа бўлиб қолаверди.



# Жамоавий электрон мурожаат

фуқароларнинг давлатни бошқаришда иштирок этишга бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқаришда муҳим аҳамиятга эга

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида жамоа бўлиб электрон мурожаат этиш тартибини таъкидлаш ҳақида қилиш тасдиқланган 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион фикрлар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастурида ҳам мустаҳкамлаб кўйилди. Унга мувофиқ, фуқароларнинг давлатни бошқаришда иштирок этишга бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқаришнинг янги механизми сифатида электрон жамоавий мурожаат қилиш — петиция йўлига таъминланган.

## ЭКСПЕРТ ФИКРИ

Дарҳақиқат, электрон жамоавий мурожаат қилиш институти демократиянинг илгор механизми бўлиб, халқ иродасини ифода этиш, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ҳамда фуқаролар олдига масъулликни, ҳисобдорлигини таъминлашда муҳим ўрин тутди.

Бундай мурожаат қилиш тартиби, ўз навбатида, Конституциянинг 35-моддасидаги ҳар бир шахснинг бошқарилган билан биргаликда ваколатли давлат органлари, муассасаларига ёки халқ вакилларига мурожаат этиш ҳуқуқи таъминланганига ҳам хизмат қилади.

Дунёнинг кўпгина давлатларида жамоа бўлиб электрон мурожаат қилиш институти "электрон петиция" деб номланади. Унга кўра, фуқаролар давлат ҳокимияти органларида жамоа бўлиб электрон мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. Бунда давлат ҳокимияти органлари ва кенг жамоатчилик эътиборини ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги, иқтисодийдаги турли муаммоларга қаратиш асосий мақсад ҳисобланади.

Халқаро амалиётга асосан, мурожаатчилар петиция орқали ҳуқуқат еки парламентдан аниқ ҳаракатларни талаб қилиши мумкин. Дунё парламентлари тарихида электрон петиция бирин-

чи марта 1999 йилда Шотландияда қўлланилган. Ҳозирги кунда эса мазкур амалиётдан 70 дан ортиқ мамлакатларда фойдаланилмоқда. Масалан, Германия, Австрия, Бельгия, Испания, Хорватия, Исроил, Ирландия, Латвия, Литва, Польша, Руминия, Туркия парламентларида петиция институти билан бир қаторда, уни кўриб чиқиш бўйича алоҳида қўмиталар ҳам ташкил этилган.

Фуқароларнинг давлат ҳокимияти органларига петиция шаклида мурожаат қилиш асослари Германия, Франция, Бельгия, Литва, Нидерландия, Португалия, Швейцария, Жанубий Корея ва Япония каби ривожланган мамлакатлар конституцияларида белгиланган бўлиб келган.

Германия парламенти кўйи палатаси (Бундестаг) регламентига мувофиқ, 50 миң имзо тўплаган петиция дастлабки тарзда парламентнинг Петиция қўмитаси муҳокамасига қўйилиши шарт. Қўмита петицияда кўтарилган масала муҳокамасига ташаббускорлар ва масъул органлар вакиллари таклиф қилади. Қўмита масалани парламент муҳокамасига олиб чиқиш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Франция парламенти регламен-

тига кўра, петиция дастлаб кўйи палата раиси томонидан кўриб чиқилади, сўнг қонун чиқарувчи органнинг Конституциявий ҳужжатлар, қонунчилик ва умумий бошқарув қўмитасига юборилади. Қўмита томонидан масъул ноиб тайинланади. Депутатнинг ушбу масалада тайёрлаган маърузаси қўмита йиғилишида муҳокама қилинади. Агар петицияда кўйилган масалани ҳал этиш ижро ҳокимияти ваколатига кирса, у ҳолда қўмита мурожаатни ижро ҳокимиятига йўллайди.

Буюк Британияда электрон петиция бериш тартиби қуйидагича: аввал бунинг учун махсус белгиланган веб-саҳифага электрон петиция киритилади. Сўнг петицияни беш киши қўллаб-қувватлаши лозим. Шундан кейингина веб-саҳифа маъсуллари петициянинг талабларга мослигини ўрганишда ишро ҳокимияти ваколатига кўриб чиқилади. Мазкур қўмита ҳуқуқат еки парламентдан петиция бўйича чоралар кўришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар электрон петиция 10 миң имзо тўпласа, ҳуқуқат унга жавоб беради. Мабодо, мурожаат қилувчилар сони 100 миңдан ошса, ушбу масала парламент муҳокамаларида кўриб

чиқилади. Электрон петицияда фақат Буюк Британия фуқаролари иштирок этиши мумкин.

Мазкур институтининг ижобий таърифи шундаки, петиция давлат ҳокимияти органларини халққа яқинлаштирилади, аксарият аҳолини безовта қилаётган масалалар давлат ҳокимияти органлари кўриб чиқилиши билан бир қаторда, ҳуқуқат еки парламент кўйи палатаси томонидан қандай чоралар кўрилиши лозимлиги аниқ белгиланмаган, масалани ҳал қилиш ҳуқуқат еки парламент кўйи палатаси томонидан қандай чоралар кўрилади.

Ҳар бир масаланинг ижобий таърифи бўлгани каби унинг салбий жиҳатлари ҳам борлигини унутмаслик лозим. Масалан, конституциявий тузумга, давлатнинг суверенитети, яхлитлиги ва ҳавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб этувчи, халқнинг соглиги ҳамда маънавиятига таъвоуз қилувчи, Давлат бюджетига ва солиқларнинг ўзгартириш, амнистия ҳамда афв этиш, жамоат тартибини, аҳоли соглиги ва ҳавфсизлигини таъминлаш бўйича қавуқларда ҳамда шотининг чора-тадбирлар ўтказиш, мансабдор шахсларни тайинлаш ва вазифасидан озод этиш каби масалалар юзасидан Парламентга петициялар юбориш ҳолатлари ҳам учраб туради. Шу сабабли ҳам ҳозирги давлатлар қонунчилигида бундай ҳолатларнинг олдини олиш

мақсадида электрон петиция предмети сифатида саналадиган масалалар аниқ-равшан белгилаб кўйилган.

Дейлик, Буюк Британияда электрон петиция, агар аввал бундай мазмундаги петиция берилган, ҳуқуқат еки парламент кўйи палатаси томонидан қандай чоралар кўрилади деб белгилаб қўйилган бўлса, бундай петиция шундан кейин қўйилган бўлса, рад қилинади. Бундай тартиб шахс жиноят содир этганлигида айбланаётган, мазкур масалани ҳал қилиш судлар ваколатига кирса ёки судлар томонидан кўриб чиқилаётган ишга доир бўлса, унинг мазмунидан давлат ёки тижорат сирига оид материал ўрин олса, петиция бошқа шахслар ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатлари бузилишига олиб келса ҳам қўйилмайди.

Электрон петиция парламентга олдигаги мурожаатдан ажралиб туради. Бу ҳуқуқ, авваламбор, махсус сайтда амалга оширилади, уни қўллаб-қувватлаш муайян миқдордаги овоз тўплаганса, парламент ёки унинг қўмитаси ўз йиғилишида ушбу масалани кўриб чиқиши мумкин.

Хулоса ўрнида айтганда, электрон петиция институтининг жорий этилиши давлат ҳокимияти вакиллик органлари фаолиятида янги босқични бошлаб беради. Яъни халқ билан тизимли мулоқот йўлга қўйилишига, жойларда кўпчиликни безовта қилаётган масалалар асосида парламент кўриб чиқарилишига замин яратди. Энг муҳими, оддий одамларнинг дарди ва ташвиши билан яшаш давлат идоралари фаолиятининг асосий мезонига айланди.

Мирвал Миррақулов, юридик фанлар доктори.

# ЖАРАЁН

## ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР, ХАБАРЛАР

### Бир гектарлик автошоҳбекат

— Иш юзасидан Бухоро шахрига тез-тез келиб тураман, — дейди Ғижувон туманида яшовчи Шухрат Ғаниев. — Илгари М-37 автомобиль йўли ёқасидаги тирбандлик, тартибсизликни кўриб, роса хуноб бўлардик. Энди эса ушбу бекат орқали манзилимизга беҳавотир етиб олаётимиз. Салкам бир гектар майдонни эгаллаган автошоҳбекатда 21 йўналиш бўйича қатновлар йўлга қўйилган.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Оилавий корхонада 193 киши ишли бўлди

Саккиз нафар чевар билан иш бошлаган "Чуст Уктамжон сервис" оилавий корхонасига банкнинг 1,5 миллиард сўмлик кредити эвазига 100 донна сўнгги русумдаги тикув, бичув ва дазмоллаш ускуналари ўрнатилиши жамоа аъзолари сони 143 кишига етишига туртки бўлди. Ҳозир бу ерда болалар, аёллар ҳамда эркеклар учун трикотаж маҳсулотлари тайёрланмоқда.

— Утган йилнинг декабрь ойида 36 миң АҚШ доллари миқдоридagi дастлабки маҳсулотларимизни Россияга экспорт қилган эдик, — дейди Чуст туманида жойлашган мазкур корхона раҳбари Санобар Тожибоева. — Жорий йилда бу кўрсаткични 400 миң АҚШ долларига етказмоқчимиз. Яқинда туманининг Гова қишлоғида корхона филиали очилиши билан яна 50 та меҳнат ўрни яратилиб, жами ишчилар сони 193 нафарга етди.

Қудратилла НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Ором олиб, шифо топасиз

Буюк ҳаким Абу Али ибн Синонинг тавсияси Оқолтин туманидаги "Оқолтин текстиль" масъулияти чекланган жамияти фаолиятига асос бўлди.

— Улғ аломо ўз асарларида туя жуни турли хасталикларни даволашда қўлланилишини ёзиб қолдирган экан, — дейди корхона раҳбари Жўра Бердиев. — Колаверса, ушбу хом ашёдан тайёрланган кўрпа ва ёстиқлар инсон саломатлиги учун фойдалилиги таъкидланади. Шундан келиб чиқиб, цехларимизда туя ва қоракўл кўйи жунидан турли маҳсулотлар, жумладан, бел ва тизза учун боғламалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Ҳозир корхона ихтиёрига "ноль" харид қийматида берилган бино реконструкция қилинапти. Хадемай, бу ерда қўшимча қувватлар ишга туширилиб, жамият фаолияти кенгайтирилади.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Кўрғонтепаликлар муаммоси ечим топмоқда

Тажрибали мутахассислардан таркиб топган ишчи гуруҳи Кўрғонтепа туманида тиббий хизмат сифатини баҳолаш юзасидан суриштирув ўтказди.

— Бир ой давомида 3000 та хонадонда бўлиб, аҳоли фикрини ўргандик, — дейди вилоят онкология диспансери бош шифокори Гулжаҳон Ҳакимова. — Одамлар кейинги пайларда амалга оширилган ишлардан мамнун эканликларига амин бўлди. Кўрғонтепа туманида 165 миң аҳолига 5 та қишлоқ оилавий поликлиникаси ва шунча врачлик пункти хизмат кўрсатмоқда. Улар истиқболсиз деб топилган 19 та КПВ негизда барпо этилган. 310 ўринли замонавий касалхонада беморлар учун барча шариот яратилган. Муҳими, соҳада бажарилиши лозим бўлган вазифалар ижроси давом эттириллапти.

Саминжон ҲУСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Хива — испаниялик сайёҳлар эътиборида

Испания Саноат, энергетика ва туризм вазирлигининг халқаро бўлими бошлиғи Мария Анхелес Мартинес Мингеса мамлакатимиздаги сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликда туризм соҳасида истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Хива шахрига келди.

## ҲАМКОРЛИК

Айтиш керакки, кейинги пайларда ҳудудда мазкур йўналишни ривожлантириш бўйича бир қанча сайёҳаракатлар олиб борилаяпти. Бунда 2017 — 2021 йилларда Хоразм вилояти ва Хива шахрининг туризм салоҳиятини комплекс ривожлантириш дастури муҳим аҳамият касб этаётди.

Яқинда Хива ҳамда Испаниянинг Авила шаҳарларига биродарлашган шаҳарлар макomini бериш, туризм соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича музокаралар ўтказилган эди. Испаниялик таниқли экспертнинг Хивага таширифи ҳам ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлаш борасидаги сайёҳаракатларнинг узвий давомидир. Меҳмон сафари давомида "Ичан-Кальса" давлат музей-қўриқхонасидаги тарихий обидалар, қайта реконструкция қилинган "Нуруллабой" мажмуасида сайёҳларга хизмат кўрсатиш йўналишидаги янгиликлар билан яқиндан танишди.

— Ҳақиқатан ҳам, Хива шахри ўзининг қадимий обидалари билан дунё ахлини лол қолдирадиган даражада чирайли, маҳабатли экан, — дейди Мария Анхелес Мартинес Мингеса. — Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш борасидаги ислохотлар бутун дунё сайёҳлик компаниялари эътиборини тортмоқда. Айниқса, виза тартибини соддалаштириш борасидаги янгиликлар сайёҳлик соҳасида янги лойиҳаларни рўёбга чиқаришга кенг йўл очди. Уйлаймизки, яқин орада юртингизга, жумладан, Хивага испаниялик сайёҳлар оқими кўпаяди.

Вилоятда фаолият кўрсатаятган туроператорлар, меҳмонхоналар ҳамда рестороанлар вакиллари билан ўтказилган давра суҳбатидики томонлама ҳамкорликни кенгайтириш борасида таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Одилбек ОДАМБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

### Сифатли, бежирим ва харидоргир

Қарши шахридаги "Капитал премиум груп" масъулияти чекланган жамиятида маҳаллий хом ашёдан эркеклар учун замонавий пойабзал маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

## ИНТИЛИШ



Корхона раҳбари Дилшод Муфтилгаевнинг таъкидлашича, энг сўнгги технологиялар асосида тайёрланаётган маҳсулотлар ўзининг сифати, рақобатлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

— Хитойдан олиб келинган 400 миң АҚШ долларилик технология ускуналари турфа хилдаги оёқ кийимлар ишлаб чиқариш имконини бераётди, — дейди у. — Шу боис эндиликда маҳсулотларимиз сафига турли моделдаги эркеклар оёқ кийимлари, шунингдек,

спорт пойабзаллари ҳам қўшилди.

Таъкидлаш керакки, вилоятда чарм-пойабзал санаятини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури доирасида амалга оширилган мазкур лойиҳа туфайли 50 дан ортиқ иш ўринлари очилди. Яна бир муҳим жиҳати, Қашқадарёнинг чарм хом ашёсини тайёр маҳсулот ҳолида экспорт қилиш имконияти пайдо бўлди.

Аҳмад МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Шомурот ШАРАПОВ олин суратлар.

### Фирибгарга алданиб қолманг

Қундалик ҳаётда ҳар биримиз табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви каби ресурслар ҳисоблагичларини қўйиладиган ўтказиш масаласи билан тўқнаш келамиз. Лекин кейинги пайларда ушбу жараённинг қўйилиб кетиши, "югур-югур" лари аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётди. Чунки айрим "ҳожатбарорлар" эшикма-эшик юриб, бу юмушни осон битказишни ваъда қилаётгани оқибада кўплаб содда одамларнинг "чув" тушиб қолиши ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Хўш, қиёсовдан ўтказиш тартиби, унинг белгиланган нархи, муддати ҳамда талаблари қандай? Аҳоли бундан хабардорми? Истеъмолчиларни қанақа муаммолар қийнамоқда? "Узстандарт" агентлиги томонидан ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатмоқдаки, аксарият юрдошларимиз ҳисоблагичларни қиёсовдан ўтказиш бўйича тўлиқ тушунчага эга эмас. Мазкур жараённи қайси ташкилот билан, қай тартибда амалга ошириш лозимлигини яхши билишмайди. Биз шу масала ҳусусида атрофича сўз юритмоқчимиз.

## ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

### Сунъий равишда оширилган нарх

— Утган йилда агентликнинг Виртуал қабулхонасига ушбу масалага доир кўплаб ариза ва шикоятлар келиб тушди, — дейди "Узстандарт" агентлиги "Ўзбекистон миллий метрология институти" давлат корхонаси директори Акбар Даминов. — Уларда, асосан, газ ҳамда сув ҳисоблагичларини таъмирлаш, шунингдек, уларни етказиб бериш борасидаги вакилларнинг ёхуд мулкка соҳага алоҳида қўйилган шахслар ўзларини "Узстандарт" агентлиги ходими, деб таништириб, хизмат нархларини сунъий равишда оширган ҳолда, 150 миңдан 1 миллион сўмгача баҳо эвазига ҳисоблагич-

ларни қиёслаб бериш хизматини таклиф қилаётгани ҳақида ёзилган. Шу каби ҳолатлар юзасидан таъмирлаш ва етказиб бериш борасидаги вакилларнинг ёхуд борилган қарамай, муаммолар ҳамда баён қилинган. Буларга аниқлик киритиш мақсадида айрим фуқаролар билан шахсан суҳбатлашди. Таассуфки, муаммоларга кўз юмиб бўлмайди. Биз бундай қамқиликларнинг олдини олиш бўйича ҳамкор ташкилотлар билан зарур чораларни кўраялмиш. Мақсад тамагирлик ва фирибгарликнинг олдини олишдир.

### Йўл-йўриги қандай?

— Газ, сув ва электр энергияси ҳисоблагичларини қиёсовдан ўтказиш қоидалари Ўзбекистон Республикасининг "Метрология тўғрисида"ги ҳамда "Энергиядан оқилона фойдаланиш тўғрисида"ги қонунлари ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан мустаҳкамланган, — дейди "Ўзбекистон миллий метрология институти" давлат корхонаси директори ўринбосари Лазизбек Саидорипов. — Колаверса, "Узстандарт" агентлиги томонидан мажбурий текширувдан (қиёслашдан) ўтказилиши лозим бўлган ўлчаш воситаларининг рўйхати тасдиқланган, Ақлия вазирлигида рўйхатга олинган. Шунга кўра, аҳоли яшайдиган хонадонларда ўрнатилган маийш газ, сув

ҳамда электр энергияси ҳисоблагичлари ҳар 4 йилда бир маротаба, санаят газ ва сув ҳисоблагичлари эса 2 йилда бир маротаба қиёслашдан ўтказилиши лозим.

Қиёслашнинг барча жараёнида амалга ошириладиган ишлар учун масъуллар белгиланган. Бугунги кунда "Тошкент электр тармоқлари" акциядорлик жамияти томонидан махсус лаборатория ташкил этилган бўлиб, у ерда "Ўзбекистон миллий метрология институти" ДК ходимлари билан биргаликда электр ускуналарининг қиёслаш ишлари бажарилиб, сўнг хонадонларга қайтадан ўрнатиб берилмоқда.

Ҳозирги пайларда аҳоли учун қулайлик яратиш, яъни ортиқча вақт ҳамда маблағ сарфламасликлари учун республика ҳудудларида 30 дан ортиқ маийш ўлчаш воситаларини давлат қиёслашдан ўтказиш шохобчалари фаолияти йўлга қўйилган. Тошкент шахри миқёсида "Ўзбекистон миллий метрология институти" давлат корхонасининг Олмасор, Чилонзор, Мирзо Улуғбек ва Яқсарой туманларида ҳисоблагичларни қабул қилиш бўлимлари ташкил этилган.

Хизмат ҳақи ҳам, тартиб ҳам қатъий

Маийш ҳисоблагичларини "Узстандарт" агентлиги тизимида-

ғи корхоналарига давлат қиёслашдан ўтказиш ҳуқуқи эга. Хизмат ҳақи эса у қадар баланд эмас. Масалан, бугунги кунда похтачиликда газ ҳисоблагичларини қиёслаш нархи 4 миң 260 сўм, сув ҳисоблагичларини қиёслаш 5 миң 964 сўм, бир фазали электр ҳисоблагичларини қиёслаш 25 979,4 сўм этиб белгиланган.

Қоидага кўра, амалдаги сув, газ ҳамда электр ҳисоблагичларининг қиёслаш даври тугашидан камиди бир ой олдин таъминотчи корхоналар томонидан ҳисоблагични навбатдаги қиёслашдан ўтказиш лозимлиги ҳақида хабарнома тақдим этилиши керак. Ушбу хабарномани хонадон эгалари қабул қилиб олганидан сўнг у таъминотчи корхонага ариза билан мурожаат этади. Шу асосда таъминотчи корхонанинг маъсул ходими келиб, ҳисоблагични ечиб олади ва бу ҳақида у нусхада далолатнома расмийлаштирилади. Қиёслашдан ўтказиш ишлари қиёсовга олиш прибори ечиб олингандан сўнг 15 кун ичида яқунланиши лозим.

Ҳисобга олиш асбоблари ечиб олингандан сўнг ваколатли ходим қиёслашдан ўтказиш ишлари давом этадиган даврга истеъмолчининг электр, газ ҳамда сув курилмаларини тармоққа тўғридан-тўғри, ҳисобга олиш приборисиз улаб қўяди. Бундай ҳолатларда

Р. ОТАМУРОДОВ.



14 ФЕВРАЛЬ — ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН



Шундай асарлар бўладики, қайта-қайта ўқигинг келади. Ҳар гал такрор мутолаада эса ундан янгича, илгари унчалик англамаган маъноларни тушуниб етасиз. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Бобурнома" асари мен учун ана шу жиҳати билан аҳамиятлидир. У билан танишар эканман, Марказий Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон географиясининг ўша давр учун тенгсиз таърифиди, ана шу пайтда яшаб ўтган кишиларнинг батафсил тавсифиди англайман.

«Бобурнома» — жаҳон адабиётининг беқиёс мулки

Бобур ўз сатрларида образларни моҳирона ифода қилди. Масалан, Умар Шайх Мирзонинг ташқи кўриниши ва одатлари юзасидан мисраларга эътибор беринг: "У паст бўйли, пажмоқ соқолли, лўпқи юзли, тўла киши эди. Тўнни бисёр тор кияр эди, андоқким, боғ боғлатурда қоринни ичига тортиб боғлатур эди, боғ боғлагондун сўнг ўзини қўя берса, бисёр бўлур эдиким, боғлари узулур эди. У киймоқда ва емоқда бетакаллур эди. Дасторни дасторпеч чирмар эди. Бу таъриф ила биз Бобур отасининг кўриниши ва одатлари ҳақида ёрқин тасаввур ҳосил қилишимиз мумкин. Бобур Султон Аҳмад Мирзо, Султон Маҳмуд Мирзо, Бойсунгур Мирзо ҳамда Султон Хусайн Мирзонинг кўриниши ва урф-

одатларини ҳам тасвирлайди. Уларнинг барчаси темирйиллар сулоласи вакиллари ва Бобурнинг қариндошлари. Бу таърифлар жуда ёрқин ва жуда қизиқарли. "Султон Аҳмад Мирзо баланд бўйли, қучли, кўнкор соқолли ва қизил юзли одам эди". "Султон Маҳмуд Мирзо паст бўйли, бақувват, бурма соқолли, суҳансизроқ киши эди". "Бойсунгур Мирзо улуг кўзли, қўба юзли, ўрта бўйли, туркман чехралик ва маллохатли йигит эди". "Султон Хусайн Мирзо кийкўз бўйли, шеркелбат киши эди. Белидан пасти ингичка эди... Мафосил хасталиги туфайли намоз ўқий олмас, рўза ҳам тутмасди". Уларнинг ташқи қиёфаси ҳақидаги таърифлари аниқ ва ёрқин, биз уларнинг кўрини-

шини осонгина тасаввур қилишимиз мумкин. Қизиги шундаки, гарчи Султон Аҳмад Мирзо ва Султон Маҳмуд Мирзо туғилган ака-ука бўлса-да, биринчиси баланд бўйли, кейингиси эса паст бўйли эди. Бироқ уларнинг иккиси ҳам бақувват эди. Бобур Умар Шайх Мирзонинг хулқ-атворини куйдагича тасвирлайди: "У ҳананий мазҳаблик ва покиза эътиқодлик киши эди, беш вақт намозни тарқ қилмас эди. Умрий қазоларини таом қилиб эди, аксар тило-уайдуллога иродати бор эди, суҳбатларига бисёр мушарраф бўлур эди. Ҳазрат Хожа ҳам фарзанд деб эдилар. Равон саводи бор эди". "Ҳамсатаин" ва маснавий китобларини ва тарихларни ўқур эди. Аксар "Шохнома" ўқур эди. Таъби назми бор эди,

вале шеърға парво қилмас эди". Оқоридагилар билан Бобур отасининг ҳақиқатпарварлигини баён этади ва отасининг гузал хулқига мисол келтиради. "Бисёр саховати бор эрди. Хулқи дағи саховатича бор эрди, хушхулқ ва ҳарроф ва фасиҳ ва ширин забон киши эрди, шу жўва мардона киши эрди. Уқни ўрта чоғлик отар эди, бисёр зарб мушти бор эди, анинг муштидан йигит йиқилмоғон йўтур. Мулқирлик дағдағаси жиҳатидан ҳейли ярашлар урушқа ва дўстлуқлар, душманликқа муб аддал бўлур эди. Бурунлар кўп инар эди, сўнгралар ҳафтада бир-иккита қатла суҳбат тутар эди, хушхуш киши эди. Тақриб била ҳуб абёт ўқур эди". "Бобурнома"даги профессор-нахлалар Бобурнинг тавсифи ёрқин ва ранг-баранг. Унинг,

ўзи тавсифлари тамойилини куйдагича изоҳлайди: "Мен бор ҳақиқатни ёздим... Мен нима содир бўлганини бори-ча ёздим. Менинг ҳикоямда ҳар бир нарсанинг ҳақиқатини ёзишни ва ҳар бир ҳодисани айнан қандай содир бўлганини тушуришни вазифасини қўйдим. Мен ўз қариндошларим орасида кўрган ҳар қандай яхшилик ва ёмонликни белгилаб қўйганимдан сўнг, ўз ватандошларим ва мусофирларимнинг барча фазилатларини ва камчиликларини аниқладим". Бобур ўз даврининг ҳукмдорлари ҳамда шахзодаларига тенг мақомга эга бўлганлиги сабабли, улар ҳақида ҳамма нарса билган ва кўрган нарсаларини айнан қоғозга туширган. Қарамонларни тавсифлаш орқали вақт фазаларини аниқлаштириш бу асар тарихий ёзувида беқиёс ҳамда ўзига хос усул бўлган. Биз уни ўз даврдан илгарилар кетган, деб айта оламиз.

Бобур ҳақомонларнинг ажойиб тавсифлари туфайли биз яқин келажакда темирйиллар сулоласининг инқирозга юз тутишини шубҳасиз тахмин қила олишимиз мумкин. Бобур ва "Бобурнома" ҳақида айтилмаган фикрлар ҳали жуда кўп. Бойсунгур ҳам, унинг муаллифи ҳам ҳар бир замонда жаҳон адабиётининг беқиёс мулки ҳисобланади.

Эйжи МАНО, Япониянинг Рюкюку университетини профессори, Бобуршунос олим.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Тошкент марказий экобогиди Республика болалар кутубхонаси томонидан "Назм гулшани" мавзудида акция уюштирилди.

Назм гулшани

Унда юртимизда буюк шоир, олим, давлат ва жамоат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахси, батақор ижоди қадру эъзоз топавгани қайд этилди. Улуг аждодиимизнинг ижоди умумтаълим мактаблари, коллеж ҳамда лицейлар, олий ўқув юртлири, илмий-тадқиқот институтлари, ахборот-ресурс марказларида кенг урганилмоқда. Шу билан бирга, шоир мероси бастакор ва хонандалар, созандалар, мусаавирлар учун бонанас-туғанмас илҳом манбаи бўлиб хизмат қилаётти. Уғил-қизлар қалбиди адабиётда мөҳр уйғотиш, улуг бобомизни хотирлаш ҳамда унинг асарларини ёшлар орасида омаллаштириш мақсадида ташкил этилган ушбу акцияда ёзувчи ҳамда шоирлар, адабиётшунос олимлар, маданият ва санъат намояндалари, адабиёт илҳомчилари, иқтидорли ёшлар қатнашди. Иштирокчиларда қизиқтириш уйғотиш мақсадида акцияга креатив ёндашлиди: экобогни сайр қилишга келган юртдошларимизга Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ саволлар берилди, унинг асарларидан намуналар ўқиб бериш сўралди. Шунингдек, акция қатнашчилари турли қизиқарли шартларни ўз ичига олган интерфолс ўйинларда билимларини синаб кўрдилар. — Ушбу тадбир асносида буюк бобомиз асарларининг маъносини янада тереин англадим, — дейди Яқасарой туманидаги 231-умумтаълим мактаби ўқувчиси Дилёра Қўчқорова. — Шоир: "Эд этмас эмиш кишини гурбатда киши, Шод этмас эмиш кўнгулли мөҳнатда киши. Кўнглим бу гарибликда шод улмади, ох, Гурбатда севинмас эмиш, албатта, киши", дея яқинларидан айрилиқда, ўз юртидан гарибликда юрган кишининг кўнгли шод бўлмастлигини ўқиради. Бундай мисралар қалбимизда нозик туйғуларни уйғотади. Тадбир якунида фаол иштирокчиларга Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Тошкент марказий экобог аттракционларидан бепул фойдаланиш имконияти ва "Болалар адабиёти" журнали тақдим этилди.

Д. ЙҮЛДОШЕВ.

«Бори элга яхшилик қилгилки...»

Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсияти, фаолияти, ижоди хусусида гап кетар экан, баъзан шох Бобур ва шоир Бобурни икки қутб сифатида талқин қиламиз. Аслида бир вужудда икки сиймо яшамайди. Шунинг учун буюк давлат барпо қилган Бобур ҳамда етук асарлар муаллифи Бобурни бирорта ўринда бир-биридан айро тасаввур қилиш мумкин эмас.

Мисол тариқасида «Бобурнома» да ўқиймиз: «(Абдуллатиф) бу ўтар дунё учун андоқ донишманд ва қари отасини шахид қилди». Ушбу жумла, юқорида қайд қилинганидек, Бобур шахсиятининг нозик қирраларидан бирини ўзида акс эттиради. Шу жумланинг ўзи Бобур, гарчи бутун фаолиятини давлат тизгинини тутиб туришга бағишлаган бўлса ҳам, тожу тахт муйайин бир шахс манфаатлари эмас, балки элу юрт қайғуси, халқ манфаатлари йўлида хизмат қилиш лозимлиги, ҳукмдорлик аса халққа, элга, тасарруф имкониятларидан келиб чиқиб, бутун инсониятга яхшилик қилиш, эз-гулик улашиш, келажак авлод олдиди ёруғ юзли бўлишга востан эканини тереин тафаккур билан англаганини кўрсатиб турибди. Жумладан «Ўтар дунё» тушунчаси Бобур дунёқараши, ҳаёти давомида амал қилган муҳим ақидалардан бири эканини шоир лирикасида ҳам мушоҳада қиламиз:

Бори элга яхшилик қилгилки, мундан яхши йўқ Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилик.

Байтда қўлланилган «дунё» маъносиди «даҳр» сўзи аслида «вақт», «лаҳза» маъносини англатишини назарда тутсақ, шох ва шоир сиймоси, сийрати кўз олдимизда яққолроқ намоён бўлади. Жумладан эътиборли жиҳатлардан бири, одатда, «ота» тушунчаси «падар», «падари бузруквор», «бузруквор» каби эвфемик бирликлар билан берилгани.

Биз сўз юритаётган жумла Бобурнинг сийсий фаолиятига ҳам оидлиқ келтириб, унинг бу майдонга эрта чиқишига фақат ва фақат отаси Умаршайх Мирзонинг бевақт вафоти боис бўлган, деган мулоҳазамизга асос бўлади. Демак, Бобур учун тахт ўз ҳаётий тамойиллари ва эзулик йўлидаги ниятларини амалга ошириш воситаси, ҳолос.

Ҳасанхожа Нисорий «Музаққир аҳбоб» тақирасида Бобурнинг қуйдагиде байтини «бу байт кўп судманд (фойдали) ва ваъзада айтиш учун дилписандир» деган таъкид билан келтиради:

Неким, тақдир бўлса ул бўлур, таҳқиқ билгайсен, Эрур жангу жадал, ранжу рибзат барча беҳуда.

Бобурнинг шу ўринда Низомийнинг машур байтини келтириши, Улугбек ва Абдуллатиф вафоти таърихларини «тавре воқеъ бўлубтур» дея ҳайрат билан қайд этиши ўқувчини безътибор қолдирмайди, хусусан, ўзидаги ички бир ҳаяжон, қандайдир бир самимий ҳисларни ўқувчига ҳам синдира олади. Очиғи, бу жумлани бугун ўқисак, даярли беш юз етмиш йил олдинги воқеа кўз ўнгимизда содир бўлгандек таъсирланамиз. Бобур самимиятга йўрилган она тилимиз имкониятлари билан бешик асрдан кўнрок вақт ўтибдики, ўқувчи руҳиятини ўзига тобе қилиш, бобурога айтганда, мусаҳхар қилишга эришиб келмоқда.

Таъкидламоқчимизки, «Бобурнома»нинг нафақат лексикаси, унинг грамматик хусусиятлари тилшуносларнинг бугунги тараққиёт дилорасида, яъни Бобур шахси билан боғлиқ ҳолатда талқин қилинса, унинг бутун ҳаёт йўли, ижодий фаолияти, жаҳон тамаддунидаги ўрни, авлодлар олдидаги хизмати яна ҳам яққолроқ намоён бўлиб бораверади.

Абдулла ҲАҚИМОВ, филология фанлари номзоди.

ЎЖУАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР РАҲБАРЛАРИ ВА ҲУҚАРОЛАР ДИККАТИГА!


«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК

«ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТРАНСПОРТ ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ

АҲОЛИНИНГ АЛОҚА ХИЗМАТЛАРИГА БЎЛГАН ЭҲТИЁЖИНИ ҚОНДИРИШ, МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ БОШҚАРИШ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАЁТГАН МАГИСТРАЛЬ АЛОҚА ЛИНИЯЛАРИ ТАРМОҒИ МУҲОҒАЗАСИНИ ТАЪМИНЛАШИНИ СЎРАЙДИ. Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 1998 йил 15 майдаги 210-сонли қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникация линиялари ва иншоотларини муҳофазаси қилиш қондалари»га мувофиқ, магистраль алоқа линияларини муҳофазаси зонасида рухсатсиз кириб ишлаш ва уларга шикаст етказувчи ҳар қандай турдаги ишларни бажариш, жумладан: • рухсатсиз қурилиш ишлари олиб бориш ва иншоотларни тиклаш; • магистраль алоқа кабель линиялари устидан йўл ва ўтиш жойлари ўтказиш, автомобиль, трактор ҳамда бошқа транспорт воситалари учун тўхта жойлари қуриш, жамоатчилик боғлари ва томорқалар ташкил этиш; • магистраль алоқа кабеллари ўтган жойларни кўрсатувчи оғоҳлантириш устунларини ҳамда белгиларини ўзбошимчилик билан кўчириш, синдириш, кўйиб юбориш; • турли қурилиш-монтаж ва портлатиш ишларини олиб бориш; • магистраль алоқа кабель линиялари муҳофазаси зонасида қудуқлар қазиб, шурф қурилиши ҳамда геологик, геодезия ва бошқа қидирув ишларини олиб бориш; • турли-туман чиқиндилар ташлаш, кислота, туз ҳамда ишқорли эритмаларни тўкиш; • магистраль алоқа кабель линиялари ўтган ерда гулкан ёқиш КАТЪИЯН ТАКИҚЛАНАДИ. Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ҳўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахслар алоқа кабелларининг муҳофазаси ҳудудларида ер қазиб, ер текислаш, тупроқ олиш, қурилиш ҳамда бошқа ишларни қатъий равишда ФАҚАТ АЛОҚА ХОДИМЛАРИНИНГ НАЗОРАТИ ОСТИДА амалга ошириши лозим.

АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИНГ ШИКАСТЛИНИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ! ХУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!

Алоқа кабелларининг муҳофазаси ҳудудларида алоқа ходимларининг назоратисиз ер қазиб, ер текислаш, тупроқ олиш ҳамда бошқа ишларни бажариб, алоқа кабелларининг узилишига ёқи уларга шикаст етказилишига йўл қўйган ҳар бир ҳўжалик юритувчи субъект ёхуд жисмоний шахс қонунчилида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади ва улардан алоқа қорхоналарига келтирилган моддий зарар ундириб олинади.



ЭСДА ТУТИНГ! Агар сизда магистраль алоқа кабелларининг муҳофазаси ҳудудларида ер қазиб, ер текислаш, тупроқ олиш ишларини амалга ошириш зарурати туғилса, кабель трассасини ўзбошимчилик билан аниқлашга уринманг ва бу масалада «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалининг худудий боғламаларига ёқи магистраль алоқа кабелли трассаси белгисиди кўрсатилган кабель участкаси манзилга мурожаат этинг.

Магистраль алоқа линияларини эксплуатация қилувчи боғламалар ва уларнинг кабель участкаси манзиллари ҳамда қилиниш телефон рақамлари:

Table with multiple columns listing cable network branches, contact numbers, and addresses. Includes entries for TTT, BTT, and other regional branches.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ
катта ҳажмдаги юкларни сканер қилувчи «Rapiscan Eagle G-60» русумли инспекциявий кўрик мажмуасида (ИКМ) диагностика ишлари, зарур эҳтиёт қисмларини етказиб бериш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш бўйича танлов эълон қилади.
Тақлифлар техник ва тижорат қисмларга ажратилган ҳолда, алоҳида ёпиқ конвертларда, устки қисмига «Rapiscan Eagle G-60» русумли ИКМда таъмирлаш ишларини олиб бориш» сўзлари ёзилган ҳамда муҳрланган тарзда топширилиши шарт. Тақлифларнинг техник ва тижорат қисмлари конвертлари устки қисмига мос равишда «Техник қисми» ҳамда «Тижорат қисми» сўзлари ёзилган бўлиши шарт. Танлов бўйича тақлифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 10 кун мобайнида иш қилари соат 17.00 гача қабул қилинади.
Маълумот учун: қурилманнинг носозлик сабабларини аниқлаш ва зарур ҳолларда носоз эҳтиёт қисмларини янгиллаш.
Тижорат тақлифи тақдим этилаётганда қуйдагиде шартлар инобатга олиниши лозим:
• тўлов тури: олдидан — 15 фоизи, қолган 85 фоизи — ишлар тўлиқ амалга оширилганидан сўнг;
• лицензия ҳамда гувоҳнома билан муҳри билан тасдиқланган нусхалари.
Қўшимча маълумот ва танлов ҳужжатларини олиш учун қуйдагиде манзилга мурожаат қилиш мумкин:
Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри, Т. Қайипбергенов кўчаси, 57-уй.
Телефонлар: (0-361) 224-01-19, 224-01-23. Факс: (0-361) 224-16-98.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ
2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғига Г — 245. 139 555 нусxada босилди, ҳажми — 2 табақ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Копибаат (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Набатчи муҳаррир — З. Худойшукров.
Набатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.
«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Қорхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА Якуни — 23.10 Топширилди — 23.55 1 3 4 5 6